

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш
(темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари*

Тошкент



СЎЗ БОШИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 7 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> бакалавриант таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналишининг малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари....	5
2.	<i>60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариши (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи.....	9

**1. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш
(темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий
тавсифи**

60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) – “Мухандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат бошқарув органларида транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишни ўз ичига олади.

1.2.2. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- транспорт жараёнлари ва илмий-тадқиқот жараёни.

60713200 – Транспортда ташишни таъкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар мусайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.3. 60713200 – Транспортда ташишни таъкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-технологик;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60713200 – Транспортда ташишни таъкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60713200 – Транспортда ташишни таъкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда соҳага оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

– транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқаришга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Лойиҳавий-технологик фаолиятда:

– транспорт соҳасида ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган объектларни лойиҳалаш;

– транспортда юк ортиш ва маҳкамлаш чизмаларини ишлаб чиқиш;

– ташиш жараёнининг, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда янги транспорт-технологик лойиҳаларини яратиш;

– транспорт соҳасида самарадор йўналишлар лойиҳаларини яратиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

– ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш, тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш;

– темир йўл транспортининг транспорт ва техник воситаларидан фойдаланиш;

– темир йўл станцияларининг тузилиши ва вазифаларини, поездлар ҳаракати графигини ишлаб чиқиш, йўловчи ва юк поездлари ҳаракати графигини тузишни билиши;

– темир йўлларда йўловчиларни ташиш, йўловчи вагонлари ва поездларига техник хизмат кўрсатиш;

– темир йўл вокзаллари, поездлар ҳаракати графигида йўловчи поездларни жойлаштириш усуллари, йўловчи поездлари ҳаракат графиклари турларини, йўловчи поезда вагонлари композициясини тузишни билиши;

– транспорт логистикаси ва экспедиторлик хизмати асослари, тақсимлаш логистикаси тушунчалари, вазифалари, транспорт-экспедиторлик хизмати, транспорт турлари ҳамкорлиги, юк терминаллари тизими, транспорт коридорлари, юкларни етказиб бериш ва ахборот логистикасини билиши;

– юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи миждларга сервис хизмат кўрсатиш олиш;

– темир йўл транспортида бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланиш;

– поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган маълумотларни узатилиши лозим бўлган ахборот ҳажмини, маълумотларни тайёрлаш ва узатишни билиши;

– темир йўллардан фойдаланиш ишларини тезкор бошқариш, фойдаланиш ишларининг тахлили, поездлар ҳаракати графиги ва поезд ўтказиш қобиляти, поездлар ҳаракати графиги элементлари ва уларнинг ҳисоби, тузиш услубияти ва кўрсаткичлари, поездлар ҳаракат тезликлари ва уларни белгиловчи мезонлар, темир йўл участкаларда маҳаллий ишни бошқаришни билиши;

– темир йўл йўналишларининг поезд ва юк ўтказиш қобиляти ҳисобининг усуллари ва уни бажариш тартиби, ташкилий техникавий ва реконструктив тадбирлар, ностандарт вазиятларда поездлар ҳаракатини ташкил этиш *қобилятларига эга бўлиши керак.*

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– транспорт соҳаси объектларида ягона технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, юк ва йўловчи, почта ва багаж ташишни ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда белгиланган тартибда фаолият кўрсата олиш;

– амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқаришда қўлланилаётган илғор технологик тадбирларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– транспортда ташишни ташкил этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларни белгилаш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш *қобилятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

– транспорт фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– транспортда ташиш ишлари жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ва ресурсларини режалаштириш;

– ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мониторингини олиб бориш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ташиш жараёнларини назорат қилиш;

– транспортда ташиш жараёнини хавфсиз ва сифатли бошқариш;

– ташишларни бошқариш жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ҳаракат таркиблари ишини ташкил этишда атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак*.

2. 60713200 – Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;

– транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқаришнинг касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– темир йўл транспорти ходимларининг асосий вазифаларини билиши, темир йўл транспорти иншоотлари, жихозлари ва ҳаракатдаги таркиби мажмуаси тўғрисида асосий маълумотларни таҳлил қилиши, темир йўлларда қўлланиладиган габарит турларини ва темир йўл ишининг асосий кўрсаткичларини билиши;

– темир йўл транспортининг транспорт ва техник воситалари ва уларнинг тузилиши, темир йўл хўжалиги, локомотив ва вагон хўжаликлари тузилиши, электр таъминот иншоотларини билиши;

– темир йўл станцияларининг тузилиши ва вазифаларини, поездлар ҳаракати графигини ишлаб чиқиш, йўловчи ва юк поездлари ҳаракати графигини тузиши;

– темир йўл транспортининг ҳаракат таркиби турлари, тавсифлари, тузилиши, уларнинг туркумланиши ва асосий қисмларини билиши;

– темир йўлларда йўловчиларни ташиш, йўловчи вагонлари ва поездлари, темир йўл вокзаллари, поездлар ҳаракати графигида йўловчи поездларни ҳаракатини ташкил этишни билиши;

– транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш ва уни қўлланилиш соҳаси, транспорт-экспедиторлик хизмати, транспорт турлари ҳамкорлиги, юк терминаллари тизими, юкларни етказиб бериш жараёнини билиши;

– юкларни қайта ишлаш жараёни, юк ишларини бажаришда темир йўл юк саройларининг аҳамияти, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш, темир йўл транспортида бажариладиган ортиш-тушириш ва омборхона ишларини ташкил этиш;

– темир йўл транспорти ривож, локомотив турлари, “ЎТЙ” АЖ локомотив базалари (деполари), уларни ҳолати ва ишлаш участкалари, локомотивлардан тўғри фойдаланишни билиши;

– темир йўллардан фойдаланиш ишларини бошқариш асослари, темир йўл транспортини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, поездлар ҳаракатини ташкил этиш, бекатларда фойдаланиш ишларини бошқариш асосларини билиши;

– маневр ишларининг технологияси ва меъёрлаш, маневр воситалари, уларнинг таснифи, маневр ишларининг назарияси ва меъёрлаш асослари, маневр элементлари, маневр локомотивлар сонини ҳисоблаш, маневр ишларида техника хавфсизлигини билиши;

–бекатларнинг поезд ўтказиш ва қайта ишлаш қобилияти, уларни ҳисоблаш усуллари ва ошириш тадбирлари, бекатнинг иш кўрсаткичлари ва тезкор режалаштириш, минтакавий темир йўл узелларининг ишини ташкил қилиш, минтакавий темир йўл узеллари бекатларни ихтисослаш ва вагон оқимларини ташкил қилишни билиши;

–темир йўллардан фойдаланиш ишларини тезкор бошқариш, фойдаланиш ишларининг таҳлили, поездлар ҳаракати графиги ва поезд ўтказиш қобилияти, поездлар ҳаракати графиги элементлари ва уларнинг ҳисоби, тузиш услубияти ва кўрсаткичлари, поездлар ҳаракат тезликлари ва уларни белгиловчи мезонлар, темир йўл участкаларда маҳаллий ишни бошқаришни билиши;

–юк ва тижорат ишларини бошқаришнинг иқтисодий-математик модели, бекатларда юк ишларини мужассамлаш даражасини аниқлаш, юклаш фронтлари параметрларини ҳисоблаш, ташиш ишларини тезкор режалаштириш ва маршрутлаш усуллари, вагонларнинг юк кўтариш қобилияти ва сиғимидан фойдаланишнинг самарадорлиги, оғир юкларни жойлаштириш, ногабаритлик даражасини ҳисоблаш, юк тарифларини ҳисоблашни билиши;

–темир йўл ажратиш пунктларини таснифлаш, разъездлар ва кувиб ўтиш пунктлари, оралик ва участка бекатлари, участка бекатларида локомотив ва вагон ҳўжаликлари, электр таъминоти, автоматика телемеханика ва алоқа, сув таъминоти қурилмаларининг, ашёвий омборхоналарининг жойлашуви, темир йўл бекатларининг йўл тармоғи, қурилмалари, уларнинг иши ва лойиҳалаштиришни билиши;

–темир йўл транспортида бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг вазифалари, тузилиши ва фаолияти асосларини, юк ва йўловчи ташишни бошқариш билан боғлиқ бўлган тизимларда ҳал этиладиган масалаларнинг мажмуининг имкониятларини, асосий оммавий лавозимлар (ахборотни киритиш ва чиқариш, компьютерларда диалогли тартибда ишлаш) нинг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) да ишлаш, янги масалаларининг алгоритмларини тузиш, узатилиши лозим бўлган ахборот ҳажмини, маълумотларни тайёрлаш-узатиш қурилмаларининг сонини ҳисоблашни билиши;

–темир йўл йўналишларининг поезд ва юк ўтказиш қобилияти ҳисобининг усуллари ва уни бажариш тартиби, ташкилий техникавий ва реконструктив тадбирлар, ностандарт вазиятларда поездлар ҳаракатини ташкил этиш усуллари, сигнализация ва алоқа қурилмалари турига қараб поездларни қабул қилиш ва жўнатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳалари, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, темир йўл транспортининг бошқариш тузилмаси, техник воситалари, йўл тузилиши, габарит турлари, поездлар ҳаракат хавфсизлиги, транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш, экспедиторлик хизмати, меҳнат муҳофазаси, темир йўл бекатлари ва узеллари, юк ва тижорат ишлари, локомотивлар ҳаракати, темир йўл бекатларининг иш технологиялари, вагонлар оқими, поездлар тузиш, темир йўллардан фойдаланиш ишларини бошқариш, автоматлаштирилган тизимлар, транспорт логистикаси, хизмат кўрсатиш, темир йўл иқтисодиёти, темир йўл транспортида бошқарув тизимлари.

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ректор _____ О.Абдурахманов




М.Ў. 202_ йил «_____» _____

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
инновация технологияларни татбиқ этиш
маркази**

Вазир ўринбосари А.Муминов



М.Ў. 202__ йил «_

Директор в.б.  М.Эсонов



202__ йил «____» _____

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси**

**И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети**

Бошқарма
бошлиғи

А.Хамролиев



202 жыл « _____ » _____
М.Ү.

Ректор С.Турабджанов С.Турабджанов

202__йил « »

